

406  
1980/8



Жулистоқ  
8  
1980



2



3



4



# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ XX СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳар бир съезд партиямиз ва мамлакатимиз олдида янги уфқлар очиб берди. Коммунистик курилишнинг келгуси босқичидаги кураш стратегияси ва тактикасини белгилаб бериши лозим бўлган ўтказилажак съезд ҳам худди шундай бўлишига аминман.

Мамлакат ривожланган сайин ички сиёсатдаги вазифаларнинг мураккаблиги ва кўламлари ўсиб боради. Халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлида олға томон қўйиладиган ҳар бир қадам катта меҳнат талаб қилади. Агрессив империалист доиралар Совет Иттифоқиға, умуман социализм позицияларига тазйиқ кўрсатишга уринмоқдалар. Улар ҳаттоки Совет Иттифоқини яқкалаб қўйишга интилоқдалар. Аммо уларнинг бу йўлдаги ҳаракатлари дарҳол муваффақиятсизликка учрай бошлади.

Бунинг ҳал қилувчи сабаби шуки, Советлар мамлакатининг иқтисодий потенциали ва мудофаа қудрати беқиёс ўсди, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий бирлиги янада мустаҳкамланди. Биз сабр-тоқат ва изчиллик кўрсатганлигимиз, ўзимизни КПСС XXIV ва XXV съездлари белгилаб берган йўлдан тойдиришга имкон бермаганлигимиз ҳам жуда катта роль ўйнади.

Бизнинг йўлимиз узил-кесил шаклланган, унинг тўғрилиги тажрибада синовдан ўтган. Бу йўл ҳам ички, ҳам ташқи сиёсат соҳасида ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Шу билан бирга турмуш бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда, биз съездда мана шу вазифаларни ҳал этиш йўлларини белгилаб олишимиз лозим.

...Комил ишонч билан айтмоқчиманки, КПСС XXVI съездига тайёргарлик партия сафларининг жипслигини, коммунизм тантанаси учун курашда партия билан халқнинг метиндек бирлигини яна бир нарра намойиш қилажак.

*Л. И. БРЕЖНЕВнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Июнь пленумидаги докладидан*

Йил сайин пахта ҳосилини кўпайтираётган Совет Ўзбекистони меҳнатчиларининг муваффақиятларини барча совет кишилари юксак баҳолайдилар. Утган йили у 5 миллион 760 минг тонналик хирмон кўтарди. Биз, эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг мана шу ғоят қимматли экин рекорд ҳосили чўққисини тобора юқори кўтара беришга ўрганиб қолганмиз. Бунда бутун мамлакатнинг пахтачиликни ривожлантиришга бераётган диққат-эътибори ўз аксини топаётгани шубҳасиз. Ингирма йилдан кўпроқ вақтдан бери Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида меҳнат қилиб келаётган Шароф Рашидович Рашидовнинг собитқадам ижодий фаолиятига таҳсин айтмоқ керак, албатта.

*Л. И. БРЕЖНЕВнинг Кремлда мамлакатимиз масъул партия ва давлат арбобларига Ватанимиз муқофотларини топшириш маросимида сўзлаган нутқидан*

КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленумидаги докладда ўртоқ Л. И. Брежнев XXVI съезд шарафига социалистик мусобақа ўз ролини уйнаши кераклигини уқтирган эди. Ленинчи партияимизнинг тарихий съездини муносиб кутиб олиш учун мамлакатимиз меҳнаткашлари шўжаликнинг турли соҳаларида социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Республикаимиз саноат ходимлари, қишлоқ меҳнаткашлари улуг анжумани ажойиб унтулар билан кутиб олиш учун ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ўзбекистон пахтакорлари Коммунистик партияимизнинг съезди шарафига рекорд пахта ҳосили чўққисини янада юқори кўтариш мақсадида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Сурхондарё область Шўрчи райони

I. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг навбатдаги XX съезди 1981 йил 3 февралда чақирилсин.

II. Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи. Докладчи — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов.

2. Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг ҳисоботи. Докладчи — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Ш. Ёқубов.

3. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва ревизия комиссиясини сайлаш.

III. Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездига вакиллик нормаси КПСС-нинг 345 аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

IV. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съездига делегатлар партия Уставига мувофиқ область партия конференцияларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланади.

Совет Армияси, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар делегатларни тегишли партия ташкилотлари билан биргаликда область партия конференцияларида сайлайдилар.

## КЎП БИЛАН КЕНГАШИБ...

**К**УРБОНОЙ момо чўчиб уйғонди. Ҳали тонг отмаган, маширқ сал оқаринқираб, юлдузлар хира тортиб қолган эди. Баландчақирнинг юқорисида тоғлар қорайиб турибди, қушлар ҳали чуғурини бошламаган. Тун билан тонгнинг навбат алмашинуви ана шу сукунат чодир остида ўтади.

Момо ювиниб келиб, шийпонга омонат ўтирди. Кўзларини қорайиб кўринган тоғларга қадади. Ҳозиргина кўрган тушини йўймоқчи бўлди: каналда сув тошганмиш, дуч келган нарсаларни оқизиб келиб суюқли ўғли Абдуллажоннинг далаларини босганмиш. Абдуллажон эса ўтдай ёниб зир-зир югурармиш. «Насибамизни олиб кетди, дермиш... Момо шуларни ўйлаб, енгил сесканди. Кейин: «Сув — ёруғлик. Шу топгача болам ерга қарамаган. Бу сафар ҳам планини ошириб бажаради. Бу туш — шунинг аломати», деб ўзига ўзи таскин берди. Кеча оқшомда Абдуллажон онасидан бирров хабар олиб кетган эди.

— Куйиб-ёниши қолмади-да шу боланинг.

Кичиклигида ҳам шу эди, — деди ўзича момо ўғлининг шундан шунга келиб бир нафас ўтирмай қайганини эслаб. — Қачон қарама: иш, иш, деб юради. Дунёнинг бутун ташвиши шунинг бошидами, дейсан. Райнжроком раиси сал бемалолхўжа бўлса, осмон узилиб тушмасди... Болам тушмагур ўзимга ўхшаган-да...

Момо шуларни хаёлидан ўтказиб, кулимсираб қўйди. Бундай ўйлаб қараса, етмиш йил бадалда орттирган қариндош-уруғларининг ҳаммаси ҳам ғайратли бўлган экан. Абдуллажоннинг отаси раҳматли Турдикул ҳам куйди-пишди одам эди. Аввал колхоз қурамыз деб ёнди. Кейин колхознинг қаддини кўтарамиз деб ўзининг қадди дол бўлди. Шунисига ҳам шукур. Одам боласининг кўкрагида бир орзу-мақсади бўлмаса, бирон яхшилик умидида куйиб-ёнмаса, фақат суратиға қарабгина инсон дейиш мумкин. Вақтики келиб, қайтиш қилиб берганда, юрган йўлида из қолмаса, нима деган одам бўлади у?

Ичкарида кенжа набираси босинқираб йиғлаб, унинг хаёлини тўзитиб юборди. Дам ўтмай

меҳнаткашларининг ёрқин меҳнат муваффақиятлари буни яққол намойиш этмоқда.

Суратларда: 1. «Ленинград» колхозининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, СССР Олий Совети депутати Тўлғоний Пардаева бошчилик қилаётган бригадаи мусобақа пешқадами ҳисобланади. 2. Шўрчи райони бу йил дон етиштириш ва давлатга топшириш планини ошириб бажарди. «Оқ олтин» колхозининг илғор механизатори И. Иброҳимов ҳаммаслари билан биргаликда 542 гектар майдондан ўриб олган 1500 тоннадан зиёд галла республикамиз хирмонига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. 3. «Ленинобод» колхозини — 50 центнерчи хўжалик. Ғўзани агротехника қондалари асосида парвартиш қилиш, айниқса уни обитобида суғориш мўл ҳосил гаровидир. А. Абду-

раҳмонов (чапдан), Х. Бурҳонов каби сувчилар буни яхши биладилар. Колхоз раиси Х. Соатов (чапдан учинчи) ва бош инженер Х. Абдиев ўртоқлар ҳаммасларига фойдали маслаҳат бериб турадилар. 4. Энгельс номидаги колхоз далаларида қирққа яқин механизатор меҳнат қилади. 1280 гектар ернинг гектаридан 42 центнер ҳосил кўтаришни мўлжаллаб ғайрат кўрсатаётган механизаторлар партияимиз XXVI съездини улкан зафарлар билан кутиб олиш ниятдалар. Механизатор А. Намозов мусобақада «Энг яхши механизатор» вимпелини олишга муяссар бўлди. Колхоз раиси М. Алиқулов (ундан биринчи), бригада бошлиғи М. Бобомуродов, М. Намозов ўртоқлар мусобақа голибини кутламоқдалар.

Ю. БОГДАНОВ фотолари

R 496  
1980/8









980 • 1980











Совет фани ва техникаси кoinот сирларини эгаллашда кетма-кет мислсиз галабаларни қўлга киритмоқда. СССР космонавт-учувчилари, кема командири подполковник Юрий Васильевич Малишев ва кема борт инженери. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Викторович Аксёновнинг «Союз Т-2» кемасида шу йил 5—9 июнь кунлари давом этган парвози космик фазони тадқиқ этиш ва ўзлаштириш ҳамда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришда янги босқичдир. Такимиллаштирилган «Союз Т-2» транспорт кемаси бундан кейин ҳам киши бошқарадиган учишлар ва орбитал илмий станцияларга хизмат қилиш имкониятларини гоаят кенгайтиради, космик фазони тадқиқ этиш ва ўзлаштиришда янги истиқболлар очади. Парвозни муваффақиятли амалга оширганликлари, Ватанимиз топширигини адо этишда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун Ю. Малишевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси унвонлари берилди. В. Аксёнов Ленин ордени ҳамда иккинчи марта «Олтин Юлдуз» билан мукофотланди. Суратда: КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежневнинг космос қаҳрамонларига олий мунофотлар топшириши маросими.

С. СМЕРНОВ ва А. СТЕШАНОВ фотоси


## Минг ёш

Маргар МАРГАРЯН

Минг ёш! Бизлар учун жуда ҳам катта!  
Даҳо учун бироқ бу — лаҳза.  
Саховат ҳам кўп табиатда,  
Инсон учун умр — бир маҳзан.  
Вақтини қизганмас буюқдан вақт ҳам,  
Замон ҳам буюкни енга билмайди.  
Буюклик — фикрда,  
Фикрда — бахт ҳам,  
Фикри қаримаса одам ўлмайди.  
Кўп яшаш — кулфату қувончга боғлиқ,  
Боғлиқдир ҳавога, уруш, тинчликка.  
Токи ҳамдам экан баланд руҳ, соғлиқ,  
Умр довоига чиқасан тикка...  
Ҳамма гўдак каби туғилган Сино,  
Ҳамма гўдак каби йиғлаган, кулган.  
Ҳамма қитъаларга бўлган фуқаро,  
Ҳамма замонларга замондош бўлган.  
Минг ёш! Бизлар учун жуда ҳам катта!  
Бу ёш даҳо учун — бахт қиёсидир.  
Сино — заруратдир бизга албатта,  
У барча халқларнинг мўйиёсидир.  
Руму Ҳинд, Европа, бутун ер юзи  
Бир бемор сингари унга кўз тутар

Токи дард юраркан оламда кезиб,  
Уни ардоқлайди, эъзозлар башар!  
Минг ёш! Бизлар учун жуда ҳам катта!  
Аммо даҳо учун — бир лаҳза, бир он.  
Одамлар яшайди улуғ ниятда,  
Орзу, кураш билан мангудир инсон.  
Соғ бўлсин юраклар,  
Омон бўлсин тан,  
Бугун ҳам, эрта ҳам,  
Доим, бир умр!  
Инсон айрилмайди эзгу орзудан,  
Орзу — бу иқболнинг ўзи-ку ахир.  
Ҳа, инсон бор экан,  
Имон бор экан,  
Сино — мангу ҳомий, абадий нажот.  
Инсонни ўн аср асради дарддан,  
Юзлаб асрларга элтар у ҳаёт!..  
Ҳозир ҳам дунёга келган гўдакка  
Сино замондошдир, Сино ватандош.  
Даҳолар яшайди ҳамма юракда;  
Минг ёш! Сино учун арзимас бир ёш!

САИЕР таржимаси



## Арманистонда...

Ибн Сино бўлган Арманистонда,  
Ҳайрон қолманг, мана, жавобу исбот:  
Ҳамон сақланади Матенадаронда  
Ноёб бир асари — «Китоб ан-Нажот».  
Ибн Сино бўлган Арманистонда,  
Унинг асрдан — йиллардан сўранг.  
Унинг меҳри тортиб, Ўзбекистонга  
Мени олиб келган йўллардан сўранг.  
Абадий қардошлик йўлидир бу йўл,  
Бу йўлдан юрамиз — фахр бор қонда.  
Бу дўстлик илдизи азалий, билгил —  
Ибн Сино бўлган Арманистонда.  
Ибн Сино бўлган Арманистонда,  
Ёш эди, лекин ёр излаб бормаган.  
Ширинни кўрса ҳам ўша замонда  
Бошқалар сингари ошиқ бўлмаган.  
Одамлар дардини ўйлаб юрган у,  
Элни омон кўрмоқ — ёлғиз матлаби.  
Тоғ кезган, водийлар бўйлаб юрган у,  
Ҳар бир уйга кирган ўз уйи каби.  
Ибн Сино бўлган Арманистонда,  
Ўйлаб топганим йўқ бу гапни, ҳақдир.  
Ўзбек ҳам, арман ҳам ушбу замонда  
Бир тақдир, бир бахтга эришган халқдир.  
Жуда қадимийдир бизнинг шаҳарлар,  
Кўҳна Самарқандга тенгдош Ереван.  
Дўстликка гувоҳдек мангу жўш урар  
Ўзбекнинг Жайҳуни ва бизнинг Севан.  
...Ибн Сино бўлган Арманистонда,  
Мен ҳам келмоқдаман ўша замондан...

Эргаш МУҲАММАД таржималари

## Сен зиндонда ўтириб...

Сен зиндонда ўтириб  
Ўй сурдинг одамлар ғамида.  
Ўйлар булутидан сочингга у кун  
Кўнди оппоқ қор.  
Ишонмади негадир дунё  
Эрта ёққан шу қор тагида  
Бойчечаклар унмоғига,  
Ўйғонмоғига  
Шифобахш баҳор.  
Сен зиндонда ўтириб,  
Хасталик ҳақида хаёлга толдинг,  
Хаёлан беморлар дардини  
Сўғуриб олдинг.  
Эшик олдидаги  
Ранги сомон сингари сариқ  
Соқчи эса йўталиб тез-тез,  
Шусиз ҳам оғриган қалбингга  
Соларди оғриқ.

Қаршисига бординг сен аста  
Ва сўрадинг: «Дардинг не, ҳабиб?»  
У — соқчидир,  
Сен эса — маҳбус.  
У соқчи ва лекин хаста,  
Сен эса — табиб.  
Сен зиндонда ўтириб,  
Эзгулик ҳақида хаёлга толдинг.  
Шифо топиб маслаҳатингдан  
Сенга акасидек қаради соқчи.  
Қора кўзларидан бир меҳр сизди —  
Қора кўзларидан сен ўқиб олдинг  
Оламдаги бор беморларнинг,  
Ҳаттоки бўлажак беморларнинг ҳам,  
Барча замонларнинг,  
Барча инсонларнинг  
Ташаккурини!

Эндаги бетда:

Анджон Давлат медицина институтининг бир гуруҳ олимлари ҳамкорликда яратган Абу Али ибн Сино бюсти улуғ олимнинг нисбатан мунамаал қиёфасини ифодалайди. Уни яратилган машҳур антрополог М. Герасимов ва академик В. Терновский 1956 йили тиклаган бош чаноқ сурати асос қилиб олинди. Бироқ ана шу чаноқ асосида Ибн Синонинг дастлабки суратини ишлаган рассом баъзи ноаниқликларга йўл қўйган — чаноқ ту-

зилиши таҳлилида билиб-билмай ченинган эди. Анджонлик олимлар — медицина фанлари доктори, профессор Юсуф Отабеков ва доцент Шавкат Ҳамидуллин ўртоқлар ҳамкорликда бўлажак портретнинг математик моделини яратдилар ва бош суянининг олд қисмига аниқлик киритдилар. Ҳайкалтарош Евгения Семёновна Соколова М. Герасимов тадқиқоти асосида алломанинг бадий портрети — гипсдан ясалган тунж ранг бюстини яратди.

А. МИРЗАЖОНОВ, Ғ. ЯУЛДОШЕВ фотоси



Е. СОКОЛОВА. АБУ АЛИ ИБН  
СИНО БЮСТИ.



Т. САЪДУЛЛАЕВ. ИБН СИНО ПОРТРЕТИ.

Н. НАМ. ИБН СИНО БЮСТИ.



# ТУРКИЙ ТИЛДА

Игирма беш йил Шайхнинг (Ибн Сино) хизмати ва суҳбатига бўлиб, мен унда кўрган ажойиб фазилатлардан бири шу эдики, у кишининг қўлига бирорта янги китоб тушиб қолгудек бўлса, албатта бошдан-оёқ мутолаа қилиб ўлтирмас, китобни кўриб чиққач, қийин жойларигагина, мушкул масалаларигагина синчиклаб қарар ва ўшандай жойларига эътибор берар эди. Китоб муаллифи асосан нима демоқчи бўлганига диққат қиларди. Натижада муаллифнинг илмий даражаси ва қўйилган масалаларни нечоғли тушунгани унга аён бўлар эди.

Абу Убайд ал-ЖУЗЖОНИЙ

Ибн Сино «Уржузалар» тиббиёт илминининг мадҳали — дастлабки қўлланмасидир. Бу таъбаотнинг барча асосий қондаларини умумлаштирган ҳамда тиб ҳақида ёзилган кўп мадҳаллардан анча яхши, ёдлаш учун қулай, кишини завқлантирувчи ва диққатга сазовор китобдир.

Ибн РУШД

Букрот ва Жолинус тирилик келсалар эди, улар ҳам бу асарга («Тиб қонунлари») таъзим қилардилар, деб ўйлаш мумкин. Бу китобни пухта ўзлаштирган шифокор бошқа манбаларга эҳтиёж сезмайди.

НИЗОМИЙ АРУЗИЙ САМАРҚАНДИЙ

Ибн Сино — фалсафа ва медицина соҳалари бўйича араб мактабининг улкан намояндасидир.

Л. ЛЕКРЕК

Баён тартиби туфайли эски дунёда «Тиб қонунлари»га тенг келадиган бирорта асар топилмайди.

Г. ГЕЗЕР

Ибн Сино ўзидан олдинги сир-синоатни тақрирлаб ўтирмади. У X асрдаёқ уларга танқидий яқун ясади. «Тиб қонунлари» медицина тарихини яратишда янги пиллапоя, XVI—XVII асрларда бошланган медицина фанининг тараққиётига эса дастуриламал бўлди.

М. МУЛЬТАНОВСКИЙ

Бу улкан тиббиёт мажмуаси одам саломатлиги учун кураш, одамнинг раънақи, яшashi каби гуманистик гояларни олға суради. Одамзоднинг ақлий ёдгорликлари орасидан фахрли ўрин олган «Тиб қонунлари» инсониятнинг тарихий йўлини машъал каби ёритиб туради.

В. ТЕРНОВСКИЙ

Урта асрлардаги Европада, турли соҳалардаги билимнинг кўлами, истеъдоди, қобилияти ва улкан ижодий яқунлари билан Ибн Синога ёнма-ён қўйишга лойиқ бўлган бирор киши йўқдир.

Б. ПЕТРОВ

У ерда — геометр Евклид, Птолемей, У ерда — Гиппократ, Гален, Ибн Сино, Аверроэс! — ижодкори янги кунларнинг. Барчасини бирма-бир айтсам — мен ожиз, ҳамма нарса ҳақида айтишим керак, Сўзим ҳам, ўзим ҳам заиф бу бобда.

ДАНТЕ

Ибн Рушднинг лотинлаштирилган номи.

Ендаги бетда:

УзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг коллективи буюк аллома Абу Али ибн Сино илмий меросини ўрганиш ва оммалаштириш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, институт натта илмий ходими, филология фанлари доктори И. Абдуллаев (чапдан), натта илмий ходим, филология фанлари кандидати А. Ирисов, директор ўринбосари, УзФА мухбир аъзоси П. Булганов, институт директори, УзФА мухбир аъзоси М. Хайруллаев, сентор мудирини, УзФА мухбир аъзоси У. Каримов, натта илмий ходим, филология фанлари кандидати Ҳ. Ҳикматуллаев, сентор мудирини, тарих фанлари кандидати А. Уринбоев ўртоқларининг ибтишошуносликдаги хизматлари диққатга сазовордир.

Буюк олим ўзининг «Тиб қонунлари»да келтирган шифобахш гиёҳлардан дори тайёрлаш усули бизнинг замонамизда янада таномиллаштирил-

буюк Абу Али ибн Сино озарбойжон ижтимоий-фалсафий тафаккури билан яхши таниш ва яқин алоқада эди. У озарбойжон файласуфи Абу ал-Ҳусайн Бахманёрнинг бевосита устози бўлган, унинг ижтимоий қарашларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Олим шу шоғирдининг илтимоси билан «Китоб ал-мувоҳасот» асарини ёзган.


Ибн Сино Ҳамадонда узоқ вақт яшаб, араб ва форс тилларида ижод этган, бу шаҳар олимларининг ҳурматини қозонган. Унинг туркий тилда асар ёзганлиги ҳозиргача фанда маълум эмас эди. Афғон олими Муҳаммад Рухий Афғонистон маориф энциклопедиясига ёзган мақола-сида биринчи марта бу ҳақда маълумот беради ва Ибн Синонинг арабча, форсча шеърлари билан

бирга туркий тилда ёзган сатрларини ҳам келтиради:

Душанба, шанба кунини кетма шарқа,  
На якшанба, на жума кунини — гарба,  
Сешанба, чоршанба кунини зинҳор  
Шимола кетма, эй содиқ, ширин ёр,  
Жануба қилма пайшанбада ниёт,  
Қилибдир Буали буйла васият.

Олим фазилатининг бу қирраси ҳам пухта ва далилларга асосан тадқиқ қилинса, ўзбек, озарбойжон ва бошқа туркий халқлар маданий меросининг илдизи янада чуқурлашади, бу ана шу халқлар маданий меросини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Али АББОСОВ,  
Озарбойжон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейида Ибн Сино ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятига бағишланган махсус зал ташкил этилди. Бу ерга қўйилган экспонатлар юзлаб томошабинлар диққатини тортмоқда. Суратда: музейдаги улуғ алломага бағишланган зал.

А. ЖДАНОВ фотоси

А. ЖДАНОВ фотолари















# ДУСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК

Ўзбекистон ва Озарбойжон халқларининг кўп асрлик дўстлиги ажойиб тарихга эга. Бу тарих Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий, Фузулий ва Машраб, Мирза Фатали Охундов ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Жалил Маммадқулизода ва Абдулла Қодирий, Самад Вурғун ва Гафур Ғулумдек улуғ сиймоларнинг ижодлари ва ижтимоий фаолиятлари билан бевосита боғлиқдир.

Июнь ойининг биринчи ярмида серқуёш диёримиз узра Озарбойжон тэроналари муттасил янграб турди. Қардош республиканинг адабиёт ва санъат кунлари азалий дўстлик ва қон-қардошлик байрамига айланди. Бу тантанали кунларда республикамизнинг ҳамма бурчакларида Озарбойжон шеърлари, кўшиқлари, куйлари, дўстлик ва қардошлик ҳустуйгуларига йўғрилган сўзлари жанглади.

Озарбойжон адабиёти ва санъати кунлари адабий қисмининг очилишида, ундан кейинги мушоираларда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Озарбойжон халқ шоири Сулаймон Рустам, қардош республиканинг халқ шоираси Марварид Дилбозий, шоир ва ёзувчилардан Мирза Иброҳимов, Бахтиёр Ваҳобзода, Жобир Наврўз, Наримон Ҳасанзода, Аёз Вафоли, Камола Огаева, Ҳусайн Ориф, Мусо Ёқубов, Фикрат Содиқ, Гулҳусайн Ҳусайн ўғли, Халил Ризо сингари таникли сўз усталари адабиёт мухлисларининг олқишига сазовор бўлдилар.

Иккала қардош республиканинг ёзувчилари, тасвирий санъат усталари, бастакорлари, кинематографчилари, архитекторлари, сахна усталари адабиёт ва санъат байрами кунларида ўзаро мусобақа қилдилар, ижодий тажрибалар хусусида дўстона фикр олишдилар.

Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро областларида ҳамда Қорақалпоғистон АССРда Озарбойжон ССРда шўҳрат қозонган санъат коллективлари — Ленин орденли М. Ф. Охундов номидаги Давлат академик опера ва балет театри, У. Ҳожибеков номидаги Давлат симфоник оркестри, Давлат рақс ансамбли, Давлат хор копелласи, Давлат кўшиқ ва рақс ансамбли, Давлат кўшиқ театри, Давлат камер оркестри, Давлат эстрада симфоник оркестри, «Қоя» эстрада концерт оркестри, Ю. А. Гагарин номидаги пионерлар саройининг «Жўжаларим» хореография ансамбли, Давлат торли чолғу квартети, «Панорама» эстрада ансамбли иштирок этдилар. СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутаты Рашид Бехбудов, атоқли кўшиқ устаси Муслим Магоммаев, Озарбойжон ССР ва Арманистон ССР халқ артисти Зайнаб Хонларова каби хушовоз санъаткорларнинг чиқишлари концерт программаларини безади.

\*\*\*

Маданият байрами кунларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида адабиёт ва санъат кунларида қатнашиш учун келган Озарбойжон ССР делегацияси, қардош республика ижодий союзларининг раҳбарлари, таникли маданият арбоблари билан учрашув ўтказилди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов қардош республика меҳнаткашларини самимий табриклади.

— Биз Совет Озарбойжони эришган муваффақиятлардан хурсандмиз,— деди ўртоқ Шароф Рашидов.— Биз барча иттифоқдош республикаларнинг ютуқлари каби бу муваффақиятларда ҳам улуғ Лениннинг васиятлари амалга ошганлигини, ленинча доно миллий сиёсат тан-

тана қилганлигини кўриб турибмиз. Учрашувда Озарбойжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Багиров, СССР Ёзувчилар союзи правленийсининг секретари Н. М. Грибачёв сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбойжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ҳайдар Алиевнинг адабиёт ва санъат байрами ҳақидаги қуйидаги сўзлари маданиятларимизнинг қардошлигига берилган ғоят зўр баҳо бўлди:

«Ўзбекистонда ўтказиладиган Озарбойжон адабиёти ва санъати кунларини биз меҳнаткашларнинг ғоявий-сиёсий, интернационал тарбияси савиясини тагин ҳам юксалтиришда, ўзбек ва озарбойжон халқлари маданиятларининг бир-бирга яқинлашувида, улар дўстлиги ва ҳам-

корлигининг мустақимлашувида адабиёт ва санъатнинг ролини кучайтириш соҳасида муҳим иш деб ҳисоблаймиз. Бу тадбирлар катта сиёсий ва маданий аҳамиятга моликдир».

\*\*\*


Адабиёт ва санъат кунлари Тошкентнинг энг яхши залларида очилган бешта кўрғазмада озарбойжонлик санъаткорлар яратган ёрқин бўёқлар ўзбекистонлик нафосат шайдолари дилини хушнуд этди. Республика Рассомлар союзининг кўрғазма залида қардош Озарбойжон тасвирий санъати намойиш қилинди. Тошкентдаги «Билимлар уйи»да очилган китоб кўрғазмасига қардош республиканинг олти нашриётида босилган энг яхши китоблар қўйилди. Пойтахтимиз томошабинлари Ўзбекистон

ССР Маданият министрлигининг кўрғазма залида намойиш қилинган Озарбойжон ССР декоратив амалий санъати кўрғазмасини мароқ билан кўрдилар. Ўзбекистон Архитекторлар союзи залида очилган ва «Бугунги Совет Озарбойжони» деб аталган фотокўрғазма гуллаб-яшнаган қардош республиканинг бугунги жамолини кўрсатишга бағишланди. Озарбойжон болалари чизган расмлардан ташкил топган яна бир кўрғазма Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги музейида намойиш этилди.

Серқуёш диёримизда Озарбойжон адабиёти ва санъати кунларининг ўтказилиши икки қардош халқ маданияти вакиллариининггина эмас, Улуғ Октябр инқилоби туфайли бахт-иқболга эришган тенг ҳуқуқли республикалар меҳнаткашларининг дўстлиги ва биродарлиги байрами бўлди.



# ТАРОНАЛАРИ



1. Икки қардош халқ адибларининг ҳар галги учрашувлари имодий мусобақага айланиб кетади. Озарбойжон ва ўзбек ёзувчиларидан Имрон Қосумов, Сулаймон Рустам, Зулфия, Марварид Дилбозий, Камола Огаева, Хусайн Аббосзода, Мирза Иброҳимов ва Комил Яшин.

2. Машҳур хонанда Муслим Магомаев куйламоқда.

3. Озарбойжон ССР ва Арманистон ССР халқ артисти Зайнаб Хонларова ўзбек қизлари даврасида.

4. Озарбойжонлик меҳмонларни Тошкент меҳнатнашлари гоят хушнуд кутиб олдилар.

5. Озарбойжон ССР Лонкарон район маданият уйи қошидаги «Шенли» халқ ансамблининг концертлари ўзбек томошабинларида катта таассурот қолдирди.

6. Ю. Гагарин номидаги пионерлар саройининг «Жўжаларим» ансамбли «Жўжаларим» қўшигини ижро этмоқда.

7. СССР халқ артисти Лайли Ванилова раҳбарлигидаги Озарбойжон ССР Давлат рақс ансамбли саҳнада.

С. МАҲКАМОВ фотолари














1



2



3



4




5



6



7



8



9

- 1 Олимнинг дунёга нелиши.
- 2 Илм даргоҳига кириш.
- 3 Китоб мутолааси.
- 4 Донолар гурунгида.
- 5 Фириджон қалъасидаги зиндонда.
- 6 Ибн Сино — жарроҳ.
- 7 Инсонлар саломатлиги йўлида.
- 8 Бебаҳо мерос — келажак авлодларга.
- 9 Аллома тафаккурда.

ган тасвирий санъат асарлари хусусида қандай фикрдасиз?

Аҳмаров: XV—XVII асрларда Ибн Сино ҳақида анча-мунча миниатюралар пайдо бўлди. Уларда олимнинг юзи Урта Осиё миниатюраларига хос равишда монголоид типда талқин этилди. Машҳур ҳақимнинг образини яратишга Шарқ ва Ғарб мамлакатларида кўпгина рассомлар уриниб келдилар. Бироқ у асарларда буюк аждодимизнинг сиймоси ишончли чизилган дея олмаймиз. Бунинг сабаби бор.

1954 йили Ҳамадон шаҳрида Абу Али ибн Синонинг қабри очиб кўрилган пайтда Эрон олими Саид Нафисий бош суякни бир неча тарафдан суратга олдирадиди ва фотосуратларнинг айрим нусхасини машҳур совет рассоми Михаил Герасимовга юборди. Бош суякдан расм ишлаш бўйича шўҳрат қозонган Михаил Михайлович тез орада Ибн Синонинг бир неча портретларини чизди. Шундан кейин яратилётган расмларда ва ҳайкалларда асосан Михаил Герасимов чизган суратларга суянилгани бежиз эмас.

Сўнгги йилларда қомусий олимнинг юбилейи олтидан унинг тасвирий сиймосини ва ҳайкалинини яратиш бўйича хайрли ишлар қилинди. Бу борада республикамиз санъат аҳлининг фаолияти ҳам эътиборга молик.

Медицина фанлари доктори, Андижон медицина институтининг ректори Юсуф Отабеков, ҳайкалтарош Евгений Соколова ҳамда доцент Шавкат Ҳамидуллин медицина илми асосида ва Михаил Герасимовнинг маслаҳатларидан фойдаланиб, Абу Али ибн Синонинг портрет бюстини ишладилар. Мазкур асарнинг нусхаси тайёрланган пайтда атоқли рассом Михаил Герасимов ҳали ҳаёт эди. У авторларга йўллаган хатида «Яратилган портрет менга ёқди ва менинг ишим сизларга фойда берганидан хурсандман», деб ёзди. СССР Медицина фанлари академиясининг Патент-лицензия хизмати бюроси синчковлик билан ўтказилган экспертизадан сўнг бу асарни Ибн Синонинг илмий асосга эга бўлган ва ҳақиқатга яқин портрет бюсти, деб тан олди, Ана шу бюст ҳозир Андижон медицина институтининг биносига қўйилган. Ибн Синонинг бурни бир қадар ингичка, кўзлари бирбирига яқин ишланганини ҳисобга олмаганда бу асар шахсан менга ҳам ёқади.

Абу Али ибн Сино портретини яратиш бўйича ўтказилган конкурсда СССР Давлат мукофоти лауреати, архитектор Собир Одилов ва ҳайкалтарош Владимир Аксёнов ишлаган ҳайкал яхши деб топилди. Тошкентлик ҳайкалтарош Ҳакимхўжа

Ҳусниддинхўжаев яратган ҳайкал мутафаккир олимнинг шонли юбилейи олтидан Афшона қишлоғига қўйилди. СССР халқ рассоми, машҳур озарбойжон ҳайкалтароши Фуад Абдурахмонов ишлаган ҳайкал эса Бухоро шаҳридаги Кутубхона майдонида қад кўтариб турибди...

Мен буюк аждодимиз сиймосини акс эттирган бу асарларнинг ҳаммаси ҳақида яхши фикрдаман. Уларни узоқ ижодий изланишлар, муҳокама-мулоҳазалар, талант ва машаққатли меҳнатлар меваси, деб биламан.

Мухбир: Абу Али ибн Сино ҳаётига оид мазкур композициялардан ташқари яна асарлар чизиш ниятингиз борми?

Аҳмаров: Мен одатда маълум бир мавзу устида ишлаганимда битта-иккита асар чизиш билан чекланиб қолмайман. Ҳали эслатиб ўтганимдек буюк аждодимизнинг юбилейига тайёргарлик давомида Ибн Синонинг алоҳида портретини яратиш бўйича ҳам унча-мунча ишлар қилдим. Мана бу — тўрт-беш вариантдан иборат расмлар сўзимнинг исботи бўла олади. Буларнинг қай тарзда баҳоланиши жамоатчиликнинг, томошабинларнинг ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига боғлиқ.

Шайхур раис ўз умрида кўп машаққатларни бошидан кечирган. Маҳмуд Ғазнавий уни мажбуран ўз

саройида хизмат қилишга чорлаган пайтда ҳаммаслақ дўсти Масихий билан Хоразмдан қочади. Улар Қоракум орқали узоқ йўл босадилар. Ибн Сино ўз ҳамроҳига сўнгги томчи сувни ҳам ичиради. Бироқ Масихий йўлда ҳалок бўлади... Буюк ҳақим ҳаётидаги ана шу манзара мендан ўз талқинини сўраётгандай бўлаверди. Узимни ҳаяжонга солган мазкур ҳолатни ҳам, мана, икки вариантда ишладим.

Албатта, бу буюк инсон ҳақида яна бошқа асарлар ҳам яратиш ниятим бор.


Мухбир: Чингиз ака, Сиз кўпроқ ўтмишдаги аждодларимиз ҳақида асарлар яратасиз. Бунинг боиси нима?

Аҳмаров: Бунинг боиси шуки, мен халқимизнинг тарихини яхши кўраман. Тарихий воқеаларга, тарихий шахслар ҳаётига муурожаат этишим ижодий услубим билан ҳам чамбарчас боғланган, десам бўлади. Мозийда ўтган улуғ аждодларимизнинг образларини яратиш, бўёқлар орқали уларнинг кечмиши ҳақида замондошларимизга ва келажак авлодларга сўзлаб бериш — менинг доимий ниятим.


Мухбир: Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни О. ҲУСАНОВ олиб борди






ИБН СИНО  
СИЙМОСИ  
АМАЛИЙ  
САЊЪАТ  
АСАРЛАРИДА



Авторлари Н. НАМ, В. СЕЛИВАНОВ.



Автор. Н. НАМ.  
Авторлари Н. НАМ, В. СЕЛИВАНОВ.



Автори Н. КИМ.



Автори М. ЖУНАЙДУЛЛАЕВА.



Автори Т. ПАНОВ.



Автори Д. РИСҚИЕВ.



Автори У. ҲОЖИАҚБАРОВ.



Автори М. АҲМЕДОВ.

Автори М. КУЗЬМИН.











Расмларни Р. ЗУФАРОВ чизган

ушлаб, қон томирини тутиб, қарияга юзланибди-да:

— Шаҳардаги кўчаларнинг номларини бирма-бир айтинг,— дебди. Ҳалиги қария кўчаларнинг номларини айта бошлабди. Қайсидир кўчанинг номи айтилганда беморнинг томири қаттиқроқ урибди.

Энди ўша кўчадаги хонадонларни сананг,— дебди. Чол хонадонларни ҳам бирма-бир санайверибди. Аллақайси хонадоннинг номи тилга олинганда бемор шаҳзоданинг томири яна аввалгидек қаттиқроқ уриб кетибди.

— Энди мана шу хонадондаги каттаю кичикнинг номини битта-битта айтиверинг,— дебди доно ҳаким. Қариянинг айтгани бўйича хонадондагиларнинг исmlарини айтиверибди. Ногаҳон Дилафруз деган ном эшитилган пайтда беморнинг томири қаттиқ-қаттиқ урибди. Тагин бирор дақиқадан кейин шаҳзода кўзини очибди.

Ибн Сино дарҳол йигитга дармон дори едириб, беморнинг ичирибди. Дилафруз исмли ўша қизни шаҳзодага кўрсатиш лозимлигини айтибди. Доно табибнинг айтганлари бажарилибди. Дилафрузни илтимос билан саройга олиб келибдилар. Бемор йигит тузалибди.

Ҳамадон шоҳи Ибн Синога бу хизмати учун қанчадан-қанча молу дунё инъом қилмоқчи бўлибди. Доно ҳаким эса:

— Молу дунёни нима қиламан?— дебди.— Хотиржам юрсам, ҳеч ким менга озор бермаса, шунинг ўзи катта давлат эмасми?

Шоҳ Ибн Синога яна бир марта қойил қолибди.

дебди ҳаким,— ўғлингизни тузатишнинг битта шартин бор.

— Айт шартингни!

— Шартим шуки, шаҳарнинг ҳамма кўчаларини, хонадонларни, хонадонларда истиқомат қилувчиларни ном-баном айтиб бера оладиган кишини топтириб келасиз. Мен ўша одам билан яна беморнинг ёнига кираман,— дебди Ибн Сино.

Шоҳ бутун шаҳарга жарчи қўйдириб машҳур табиб айтган даражадаги одамни топтириб келибди. Етмиш-саксон ёшлардаги қария табибнинг иштиёрига топширилибди. Ибн Сино қария билан бирга бемор ётган хонага кирибди. Йигитнинг билагидан

## Шоҳнинг тузалиши

**М**АҲМУД Ғазнавий ёмон туш кўриб, қаттиқ қўрққан экан, белидан пасти шал бўлиб қолибди. Табибу жарроҳлар, эшону азайимхонлар уни даволай олмабди. Уша пайтларда Ибн Синонинг ҳақимлик қудрати етти иқлимга овоза экан. Маҳмуд Ғазнавий амалдору наварларига:

— Уша табиби донони топиб келинглр,— деб буюрибди. Улар бир неча кун йўл юриб, Ибн Синони Ғазнавий ҳузурига олиб борибдилар. Ибн Сино шал бўлиб ётган хоннинг у ёқ-бу ёғини кўрибди. Сўнгра сарой хизматкорларига:

— Тақсирни ҳаммомга элтирил, иссиқ хонага ётқизинглр. Кейин у кишини тузатаман,— дебди.

Хизматкорлар дарҳол хонни ҳаммомга олиб кириб, иссиқ хонасига ётқизибдилар. Орадан ярим соатлар ўтгандан сўнг Ибн Сино от миниб, белига қилич тақиб, ҳаммомга кириб борибди. Хон уни бошқа кўринишда бўлгани учун таян олмабди. Ибн Сино хоннинг яланғочлаб, хоннинг устига бориб, дўқ урибди:

— Тур ўрнингдан, бўлмаса бошингни олам!— Итсан, эшаксан, падар лаънати!— дебди.

Жон ширин эмасми, хон ирғиб ўрнидан туриб кетибди.

Ибн Сино қиличнини ташлаб, отини қамчилаб қочибди. Хон:

— Уни ушлаб келинглр,— деб наварларига буюрибди. Ғазнавий касали тузалганидан хурсанд бўлса ҳам, ўзининг ҳақорат қилинганига чидай олмаётган экан.



Наварлар Ибн Синонинг орқасидан от қўйиб бориб, ушлабдилар. Табибни хоннинг ҳузурига олиб келибдилар. Ҳалигача ғазабини босиб улгурмаган Ғазнавий:

— Сен табибмисан ёки жаллодмисан?— деб сўрабди.— Нима учун менга қилич кўтардинг? Нимага мени ҳақорат қилдинг?

Ибн Сино бамайлихотир жавоб берибди:

— Тақсирим, сиз тушингизда қўриқиб шал бўлгансиз. Мен сизни ҳушёрлигингизда қаттиқ қўрқитиб даволадим. Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ кесади, деганлари шу.

Маҳмуд Ғазнавий қойил қолиб, Ибн Синога кўп инъомлар берган экан.

## Устоз ва нопок шогирд

**И**

БН Сино ўз умрида жуда кўп шогирдлар етиштирган экан. Аммо уларнинг орасида ҳасадгўйлари ҳам бор экан. Ҳақимнинг пешқадам шогирдларидан бири ўта худбин, ичиқора экан.

У доимо: «Устоз ўлса, унинг ўрнига мен шуҳрат қозонардим», деб муҳаббат ҳаёлларга борар экан.

Кунлардан бир куни Ибн Сино касал бўлиб қолибди. «Мен бетобман, дори тайёрлаб кел», дебди шогирдига. Шундай пайтни кўпдан кўтиб юрган нопок шогирд дарҳол заҳар қўшилган дори тайёрлаб келтирибди.

— Бу дориларни қанақа гиёҳлардан тайёрладинг?— деб сўрабди устоз. Нопок шогирд заҳарли гиёҳни қўшмасдан бошқаларининг номини бирма-бир айтиб берибди. Лекин устоз дорининг рангидан унга заҳар қўшилганини билибди. Шогирдини бир иш билан ҳовлига чиқариб юборибди-да, заҳарни рад қиладиган доридан ичиб юборибди. Шогирди уйга қайтиб кирганидан сўнг, унинг кўзи олдида заҳарли дорини ичибди.

— Энди кунинг битди, устоз,— дея ўйлабди нопок шогирд ўзича қувониб. Устоздан кетишга изн сўрабди. Ибн Сино унга руҳсат берибди.


Нопок шогирд бугун ҳам, эртага ҳам, кейинги кунларда ҳам устозининг ўлимини сабрсизлик билан кўтибди. Аммо устоз соғ-саломат юраверибди.

Орадан бир-икки йил ўтибди. Бироқ устоз билан шогирд бир-бирларига сир айтмабдилар. Бир куни устоз ўз хизматкорларига шогирднинг дарвозаси олдига бир арава кўп тўкишни буюрибди. Шогирд ҳайрон бўлиб ўйлабди: «Агар кўмда бир хосият бўлмаса, устоз буни дарвозанинг олдида тўқтирмас эди. Балки бунинг ичида олтин бордир».

Шогирд шундай ўй билан кўмини элашга тушибди. Эртасига, индинга, хуллас, ҳар куни шогирднинг дарвозаси олдига бир аравадан кўп тушаверибди, шогирд эса уни элакдан ўтказаверибди. Охири шогирд оғир меҳнат билан, ўй билан касал бўлиб қолибди, чангдан сочлари оқариб кетибди. Кейин нима қиларини билмай, устози олдига бориб, қилган айбига иқрор бўлибди.

— Сизнинг олдингизда гуноҳкорман, устоз,— дебди нопок шогирд.— Шуҳратли бўлиш мақсадида сизнинг жонингизга қасд қилдим. Кечиринг мени.

Устоз бамайлихотир шундай дебди:



— Ҳечқисси йўқ, мен бу бежо ҳақоратини ўша пайтда сезган эдим. Шунин билганки, устозига бевафоллик қилган шогирд мақсадига етолмайди. Ҳунарсиз, амалпазост, уқувсиз шогирдлар ҳақида устозининг ўлимини тилайди. Мутотлаа қил, ҳунар ўрган, одамларни сев, шуҳрат ва обрў сенга ўзи келаверади.

Нопок шогирд мулзам бўлганича ўтириб қолибди.

## Нарвонга чиқиб тутилиши

**Б**

ИР ўрта яшар аёл Ибн Синога келиб, эридан шикоят қилибди.

— Эй, табиби доно, эримни бир кўрсангизу дардига даво топсангиз,— дебди у.

— Эрингнинг касали нима?— деб сўрабди ҳаким.

— Билмайман, боши ҳамиша эгилган, жим ўтиради, доим хаёл сургани экан.

— Эрингни менинг қошимга олиб кел, кўрай,— дебди Ибн Сино.

Ҳалиги аёл эрини ҳақимнинг ҳузурига эргаштириб келибди. Табиб аёлнинг эрига бир зум тикилиб турибди-да:

— Унг юзингга нима чиқувди?— деб сўрабди.

— Успирилингимда яра чиқувди,— деб жавоб берибди бемор.

— Ярани қандай даволадинг?

— Билмайман,— дебди бемор, сўнгра айбига иқрор бўлгандек сўзлабди.— Кўкнор ичиб юрдим, яра ўз-ўзидан битиб кетди.

— Қанча кўкнор ичинг?— деб сўрабди ҳаким.

— Аввалига бир қошиқдан, кейин бир косага етказиб ичавердим,— деб жавоб берибди бемор.












Ибн Сино индамабди. Сўнгра ўрнидан туриб, нарвоннинг тўққизинчи поғонасигача кўтарилибди-да, қайтиб тушибди. Бемор унинг бирор гап айтишини кўтиб турган экан, аммо табиб индамай уйига кириб кетибди. Бемор ҳам, унинг хотини ҳам индамай ўтираверибди. Бу ердаги суҳбатни Ибн Синонинг шогирдларидан бири кузатиб ўтирган экан. Уша шогирд бемордан сўрабди:

— Табибнинг айтганларига тушундингизми?

— Йўқ,— дебди бемор.

— У киши ўз ҳаракатлари билан сизга шундай маслаҳат бердилар: «Кўкнор ичишни бир қошиқдан бир косагача кўпайтириб борибсан. Энди аста-секин камайтириб боргин. Кўкнор юзингиздаги ярани тузатибди-ю, аъзойи-баданингни суст қилиб, кучингни олибди».

Эр-хотин хурсанд бўлиб йўлга тушишди.



Абу Али ибн Синонинг ўлмас асарлари жаҳон мамлакатларида кенг тарқалган. Булар алломанинг ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтини сақлаётган, асарлар домида турли тилларда чоп этилган китоблари, Республикаимизнинг «Фан» ва «Медицина» нашриётлари сўнгги йилларда нашр этган ҳамда Абу Али ибн Синонинг юбилей шарафига чиқарилган рисолалари ва алломанинг илмий фаолиятига бағишланган китоблардан намуналар.

# ЖАҲОНГА МАШҲУР КИТОБ

«Тиб қонунлари»нинг дунёга келиши тиббиёт оламида жаҳоншумул воқеа бўлди. Бундан 956 йил муқаддам ёзилган бу асар Шарқ ва Ғарб медицинаси тарихида бемисл обрў қозонди, жаҳон медаллари учун муҳим илмий ва амалий қўлланма бўлиб қолди.

Бу асар пайдо бўлган кундан бери ҳамми қизиқтириб келади. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтини сақлаётган манбалар шундан далолат берадики, «Қонун»нинг кенг тарқалиши унча

ислом дунёсида машҳур бўлган тиб олими Абу Бакр Розийнинг «Алхови фит-тиб» асари қийматини тушириб юборган.

Техронда нашр этиладиган «Хунар ва мардум» журналининг 132-сониде Ибн Сино қаламига мансуб тиббий асарлардан ўн саккизтасининг номи келтирилган. Буюк алломанинг шоғирдларидан Журжоний, Илоқий, кейинроқ эса Фахриддин Розий, Қутбиддин Шерозий, Довуд Антоқий, Яқуб Насроний сингари олим ва ҳақимлар «Қонун»ни шарҳлаб китоблар ёзганлар. Саид Нафисийнинг «Фури Сино» китобида «Қонун»га олтидан ортиқ шарҳ ёзилганлиги қайд этилган. Унда айтилишича, дастлабки шарҳни журжонлик Абу Убайд Абдувоҳид ёзган Мухаммад ибн Юсуф ал-Илоқий (Илоқ ҳозирги Оҳангароннинг қадимги номи) «Қонун»ни қисқартириб, «Мухтасар Илоқий» номи билан шарҳ ёзган. Хоразмлик Маҳмуд бинни Умар Чағминий ҳам уни қисқартириб, «Қонунча» номи билан эълон қилган ва шарҳ ёзган.

«Қонун»га шунчалик қизиқиш билан қаралиши ва унинг кўп марта-

лаб қисқартирилган ҳолда тарқалишига сабаб, аввало, у асарга ҳаётий эҳтиёж катта бўлганидан далолатдир.

Дастлаб, «Қонун»ни XII асрда юнон олими Жирардус Гермонис араб тилидан лотинчага таржима қилган. Юсуф Ларки томонидан иврит тилига (1-адамги яҳудий тили) қилинган таржима эса 1491 йили Италияда нашр этилди. 1889 йили Фатхулло бинни Фахриддин Шерозий таржима қилган форсча нусханинг Лакнов нашри ҳам мавжуд. Кейин уни Жўнайдулло Ҳозиқ тожик тилига ағдарган. Мазхар шоҳ эса уни таржима қилиб, 1966 йили Карочиде нашр эттирди. XIX аср бошларида бухоролик улуғ ҳамюртимизнинг бебаҳо асари шу тарзда жаҳондаги кўпгина тилларга таржима қилинди, юз мартадан зиёд нашр этилди. Унинг турли нусхалари Деҳли, Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Истанбул, Рим, Техрон, Лоҳур ва бошқа шаҳарлардаги кутубхоналарда сақланмоқда.

Институтимизда «Қонун»нинг икки мукамал нусхаси мавжуд. Шулардан бири олимларимиз 1959 йили

қўлғамалар йиғиш бўйича уюштирилган илмий экспедиция вақтида асакалик китобдор Абдукарим Абдуқаюм ўғлидан топилди. Бу нусха 1307 йили кўчирилган. Фондимизда 1877 йили Мисрда босилган уч жилдлик нусха ҳам сақланмоқда.

Умумий тенглик ва миллий эркинлик асосига қурилган бизнинг жамиятимизда Ибн Сино асарлари халқимизнинг маънавий мулкига айланди. 1952—1961 йилларда унинг беш жилдлик асарлари рус ва ўзбек тилларида нашр этилди. 1000 йиллик юбилейи муносабати билан алломанинг ўзбек тилида беш жилдлик, рус тилида ўн жилдлик асарлари чиқарилмоқда.

«Қонун» энг нодир асар сифатида тиллардан тилларга, диллардан дилларга ўтган сайин буюк ҳамюртимизнинг шухратини оламга ёйди. Шонли юбилейи кунларида эса унинг номи инсон тафаккурининг қудратли рамзи сифатида жаҳон бўйлаб яна кучлироқ жарангламоқда.

**Абдулла НОСИРОВ,**  
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

Қомусий тафаккур соҳиби Абу Али ибн Синонинг табобатга оид илмий меросини ўрганган сари унинг буюклиги янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Айниқса қарийб минг йилдан бери жаҳон миқёсида муҳим тиббий қўлланма ҳисобланган «Тиб қонунлари»нинг қиммати биз медиклар учун бекиёс. Бу ноёб маънавий хазина бугун, илмий-техника революцияси шароитида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Инсон организмда кечадиган барча касалликлар Ибн Синонинг эътиборидан четда қолмаган. У ҳар қандай дардга шифо топиш учун тинмай изланди, ўзигача бўлган тиббий билимлар ва халқ табобат илмини қунт билан ўрганиб ўзлаштирди, уни амалда қўлади.

Абу Али ибн Сино бугунги кунда медицина фанининг махсус ва мукамал соҳалари бўлган фармакология, терапия, оториноларингология, хирургия, кардиология, офталмология, травматология, урология, эпидемиология каби тармоқлари бўйича кенг билимга эга эди.

Биз оториноларингологлар учун эса унинг томоқ ва бурун касалликларини даволашга оид ишлари ҳамда илмий қарашлари жуда таъниш. Юртдошимизнинг улўғлиги шундаки, у зулмат ва диний жаҳолат ҳукм сурган шароитдаёқ ўз ақли, истеъдоди қудрати билан кўпгина ҳодисаларнинг туб моҳиятига етди, уларни чуқур таҳлил қилди, назарий ва амалий ҳулосалар чиқарди. Буюк ҳакимдан кейин ўтган ва турли залодларга мансуб врачлар, табиблар «Тиб қонунлари»да баён этилган тиббий усулларга суяниб қулоқ, томоқ ва бурун касалликларини даволадилар.

Ибн Сино бу асарида бурун тузилишини батафсил баён этиб, уни

## ҲАКИМЛИКДА ТЕНГИ ЙЎҚ

организмининг нафас олиш, ҳидлаш, товушни кучайтириш ва муҳофаза вазифаларини бажарадиган муҳим аъзоси сифатида таҳлил қилади. Шунингдек, олим тузилиш жиҳатидан мураккаб ҳиқилдоқнинг хусусиятларини ва функциясини кенг изоҳлайди: ҳиқилдоқ қопқоғининг қелконсимон тоғайга яқинлашиши ёки узоқлашиши туфайли ички мускуллар қисқариши натижасида ҳиқилдоқ кенгайди ёки тораяди. Қалқонсимон тоғайдан тилости суяги ва кўкрак томон кетган мускулларнинг қисқариши оқибатида ҳиқилдоқ пастга ва юқорига ҳаракат қилади.

Узоқ ўтмишда инсонпарвар ҳакимни ташвишлантирган йиринглаган муртак муаммоси ва эшитиш назарияси совет медицина фани ютуқлари асосида муваффақиятли ҳал этилди.

«Қонун»нинг махсус боби қулоқ, томоқ ва бурун касалликларига бағишланган. Бурун қонаши, унинг фойдаси ва зарари шарҳланади, уни тўхтатиш учун самарали воситалар тавсия қилинади.

Олим тумовнинг пайдо бўлиш сабабларини ҳам мутлақо тўғри кўр-

сатади. Одам фақат совуқдангина, эмас, балки иссиқдан ҳам тумовга йўлиқиши мумкинлигини айтиб, унинг клиник ҳолатини ва даволаш усулларини бирма-бир изоҳлайди. Шу усуллардан бири ҳозирги вақтда кенг қўлланилаётган буғ билан нафас олдиришдир. Улуғ табибнинг бурундаги синган суяқларни даволаш усулларини ҳозир биз айнан қўлламоқдамиз.

Ибн Сино муртак шамоллаши — ангина, ҳиқилдоқ ва томоқнинг йиринглаши, ҳиқилдоқ шиши каби турли касалликларнинг сабабларини яхши билган. Уларни жарроҳлик усули билан ҳам муваффақиятли даволаган. Муртак безлари йиринглаганда махсус жарроҳлик асбобида тил томирининг юқорисидан ярим айлана шаклида кесиш зарурлигини ўқтиради ва ўзи бу усулни муваффақиятли қўллайди. Иллатли муртакни даволашда биз ҳам деярли худди шу усулни қўлламоқдамиз.

Одатда, томоқ йўли шишиб, нафас олиш қийинлашганда томоқ тешилиб унга трахеотомик найча қўйилади. Ибн Сино олтин ёки кумушдан ясалган найча ёрдамида

бу усулдан ҳам самарали фойдаланган.

Олимнинг тиббий асарларида қулоқ касалликлари ва уни даволаш усулларига кенг ўрин берилган. Масалан, қулоқ гигиенасига доир аниқ тавсиялар мавжуд: қулоқнинг товуш тўлқинини қабул этиш ташқи йўлига вақти-вақти билан ёғ томизиб ва артиб туришни маслаҳат беради. Қулоқ шамоллаганда эса асал, вино ва табиий сода аралашмасида ивтирилган жун латтани тиқиб қўйишни тавсия этади. Томоқ ва қулоқ йўлларида ҳар хил жисмлар кириб қолганда аввал шу жойни оғриқсизлантириб кейин жисмини олиш лозим, деган энг тўғри фикрни айтганки, бу усул бугунги кунда асқотмоқда. Чунки бу воситалар бактерицид ва юқумсизлантириш хусусиятларига эга. У қулоқ касалликлари оғир кечганда ва эшитиш аъзосига зарар етказганда уни кесиш очиш, яъни операция қилиш ва йирингни денгиз суви сингдирилган дока билан тозалашни лозим топади.

Ибн Сино эшитиш аъзосидаги нуқсонлар туғма ёки сунъий пайдо бўлишини изоҳлаб, бу икки йўл билан вужудга келган касалликларни тўзатиш қийин деб ҳисоблайди. Ҳозирги медиклар ҳам худди шундай фикрда.

Хуллас, орадан минг йил ўтган бўлса-да, улуғ олимнинг тиббиётдаги кўпгина амалий усуллари ўз қимматини йўқотмаган.

Улуғ зотнинг ворислари бўлган биз медиклар буюк юртдошимизнинг муқаддас руҳи олдида таъзим қиламиз.

**А. МҶМИНОВ,**  
профессор.

медицина фанлари доктори  
**В. ФЕРШТАТ,**  
медицина фанлари кандидати

Мен Абу Али ибн Сино номини илк бор ўз юртимда б-синфда ўқиб юрган чоғларимда қадимги дунё тарихи дарслигида учратганман. Буюк алломанинг қисқача таржимаи ҳолиёқ мени ром этиб қўйган эди. Ушандаёқ инсонпарвар қомусий олимнинг илмий фаолияти, фалсафа, тиббиёт, физика, кимё, математика, тилшунослик, музика ва бошқа соҳаларни мукамал билганидан лол қолган эдим. Унинг жаҳон фан-маданияти ва ижтимоий тафаккурини ривожлантиришда бекиёс хизмат қилганини ҳис этдим.

Устоднинг табобат соҳасида жуда катта ишлар қилгани маълум. Унинг тиббиётга оид ўнларча асари шу кунгача ўз қимматини йўқотмаган.

Буюк юртдошимиз Абу Али ибн Синонинг заковатига бутун дунё таъзим қилади. Унинг барҳаёт мероси бутун кишиликни ҳайратга солмоқда. Биз, студентлар унинг тиббиёт соҳасидаги таълимотини қунт билан ўрганишимиз.

Медицинанинг ноёб хазинаси — «Тиб қонунлари» ва тиббиётга доир бошқа асарларни ўқир эканмиз, буюк ҳакимнинг юксак истеъдоди кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ҳозир фан ғоят ривожланиб кетган бўлишига қарамай, ватандошимиз бизга бугун ҳам фармаколог, терапевт, хирург, невропатолог, педиатр сифатида таълим беради. Унинг клиник кузатишлари, касалликни даволаш усуллари ҳамон сабоқдир. Унинг шахсий ибрати ҳам биз учун муҳим. Ибн Сино асарларидан олимнинг ниҳоятда камтар, иродали, зукко ва

## ЎЗИ БИР ДУНЁ

Олимнинг «Тиб қонунлари» асарида мингдан ошиқ дардларнинг келиб чиқиши, муолажаси баён этилган, содда ва мураккаб дориворлар ҳақида маълумот берилган. Мен Маккадаги марказий кутубхонада бу асарнинг

арабчасини ўқиб чиққан, буюк ҳакимнинг ҳаёти ва ижоди билан батафсил танишган эдим.

Абу Али ибн Сино поэтик талантини тиббиётга уйғунлаштириб юборган «Табобат ҳақида уржузалар» асари

минг байтдан ортиқ. Буни у тиббий назарияларни ёдлаш осон бўлсин, деб шеърӣй йўлда ёзгани сир эмас.

Мен, Яман Халқ Демократик республикасида келган бир студент Шарқда Шайхурраис номи билан доврӯф қозонган Ибн Сино затида таълим олаётганидан беҳад фахрланаман. Бу ерда медицина сирларини чуқур ўрганиш учун бизга барча имкониятлар яратиб берилган. Бунинг учун чин қалбдан миннатдорман. Улуғ донишманд туғилган кунинг 1000 йиллигига менинг тўёнам аъло ўқишдир!

**Муҳаммад Алҳақ САЛИМ,**  
Тошкент Давлат медицина институту даволаш факультетининг VI курс студенти

## ФИДОЙИЛИК

мард инсон эканлиги маълум. Буюк зот оғир жазо ва таъқибларга, сарсонлик ва саргардонликларга қарамай, зулмат ичра нур ёқди. Машаққатлар олдида тиз чўкмади. Инсонни оламни ўзгартирувчи олий мавжудот деб билди. Руҳоний ва мутаассиб

шайхларнинг: «Одамни худо яратган, унинг вужудини яратгандан бошқа ҳеч ким билмайди», деган реакция назарияларини инкор этди. Ҳатто тинимсиз қувғин, дарбадарлик чоғларида ҳам ноёб истеъдодини сўндирмади. Энг қийин шароитларда ҳам му-

толаани, ижодни бир сония бўшаштирмади. Табиблик маҳорати билан тобора доврӯф қозонди.

Улуғ Октябрдан сўнг аллома асарлари асил кадр-қимматини топди. Унинг асарларини ўзбек ва рус тилларида ўқимоқдамиз. Агар Ибн Сино асарларига шарҳлар ёзилиб, ҳозирги медицина ютуқлари асосида таҳлил этилган дарслик ва қўлланмалар нашр этилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Биз, Ибн Сино ворислари илм ва ижодда, меҳнатда табаррук устоднинг ажойиб анъаналарини давом эттиришга аҳд қилганмиз.

**Маҳмуда АЪЗАМОВА,**  
**Олломурад ЁРЛИЕВ,**  
Ўрта Осиё Медицина педиатрия институту IV курс студентлари, Ленин стипендиатлари



## ТАБАРРУК НОМ

Бухоро ўтмишда Мовароуннаҳрининг йирик фан ва маданият марказларидан бири бўлган. Шоҳ Исмонил Сомоний ҳукмронлиги давридаёқ шаҳарнинг довуғи оламга кетган эди. Бу ерга дунёнинг турли мамлакатларидан беҳисоб нодир китоблар тўпланган. «Саввон ал-ҳикмат» («Ҳикматлар хазинаси») деб аталган йирик кутубхона барпо этилган. Ундан ўша даврнинг етук олимлари ва шоирлари фойдаланганлар. Абу Райҳон Беруний ҳам, Ибн Сино ҳам ана шу хазинадан баҳраманд бўлган.

990 йилларда сомониёлар сулоласи инқирозга юз тутди. Бундан фойдаланган қорахонийлар Бухорони ишғол қиладилар. Уша жангларда «Саввон ал-ҳикмат»га ўт кетади. Узоқ йиллар давомида тўпланган илмлар хазинаси кулга айланади. Бу вақтлар кутубхонада қизгин мутолаа билан машғул бўлган Ибн Сино янги ҳукмдор Бўғраҳон ибн Насрнинг жаҳолат-парастлигидан қаттиқ ранжийди ва қорахонийларнинг жабру ситамидан безиб, тез орада ватандан бош олиб кетади...

Асрлар давомида шаҳар тепасига қанчадан-қанча туғлар тикилди, Бухоро тупроғи неча бор топталиб, неча бор қўлдан қўлга ўтиб келди. Фақат 1920 йилнинг сентябридан Бухоро осмонидан инсониятнинг бахт қўши порлади. Ибн Сино орзу қилган ёрқин давр етиб келди. Қиргин-барот урушлар даврида ёниб кулга айланган Бухорода янги кутубхоналар барпо этилди. Уларнинг энг каттасига улуг олим Абу Али ибн Сино номи берилди.

Эндиликда кутубхонамиз илғор маърифат ўчоқларидан саналади. Кутубхонанинг янги биноси қаршида Ибн Сино ҳайкали қад тиклаб турибди. Китоб фонди ва китобхонлар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шу кунларда 350 мингга етиб қолган китоб фонди-миздан 10 мингдан ортиқ китобхон фойдаланади.

Бутун дунёдаги тараққийпарвар инсоният улуг мутафаккири, тенгсиз табиб, машхур файласуф Абу

Али ибн Синонинг 1000 йиллигига узоқ вақт қизгин тайёргарлик кўрди. Бизнинг коллективимиз ҳам ана шу санага бағишлаб бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Кутубхонанинг алоҳида залида «Улуг қомусий олим», «Ибн Сино ва у яшаган давр», «Ибн Сино ўрта асрнинг улуг мутафаккири ва инсонпарвари» деган мавзуларда кўргазмалар ташкил этилди. Кўргазмаларда олимнинг ҳаёти ва ижодига оид суратлар, китоблар ва Ибн Синонинг ўз асарлари намойиш қилинмоқда. Ибн Синонинг кутубхонамизда сақланаётган юздан ортиқ асари алоҳида қадрланади. Бу асарлар учун аниқ картатекалар ва илмий кўрсаткичлар тузилган, варақалар чиқарилган, тавсия адабиётлари ишлаб чиқилган. Яқинда «Бухоро» меҳмонхонасида область марказий медицина кутубхонаси билан ҳамкорликда илмий конференция ўтказилди. Кеч сўмида «Ибн Сино» бадиий фильми намойиш этилди.

Буюк юртдошимиз Ибн Сино юбилеи арафасида кутубхонамиз коллективи Пешку район марказий кутубхонаси билан биргаликда яна бир қанча тадбирларни амалга оширди. Колхоз ва совхозларда лекция ҳамда лекторийлар ташкил этилди.

Кутубхонамизда Ибн Синога бағишланган республика илмий семинари ҳам бўлиб ўтди. Бу семинарда чет элдан келган вакиллар ҳам иштирок этдилар.

Мана шу тадбирларни амалга оширишда кутубхонанинг тажрибали ходимларидан Людмила Мирзақайдарова, Ҳалима Анобирова, Олимшо Ҳамрошоев ва Ҳалима Илёсованинг жонбозлигини алоҳида қайд этиб ўтишни истардим.

Кутубхонамиз буюк олимнинг табаррук номи билан аталгандан фахрланамиз.

**Муборак РАҲМОНОВА,**

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро область кутубхонасининг директори, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

## МАЪНАВИЙ МАДАД

Одатда, меҳнат унумининг ошишида моддий омиллар билан бирга маънавий рағбат ҳам муҳим аҳамият касб этади. Комбинатимиз ишчилари газета ва журналларни мунтазам ўқиб борадилар, илғор ишлаб чиқариш коллективларининг ютуқлари ва тажрибаларидан хабардор бўладилар. Севимли «Гулистон» журналимизнинг 3— сонидан босилган «Наманган атласи» мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Уни партия ташкилоти, насаба союз ва комсомол комитетининг қўшма йиғилишида муҳокама қилдик ва

коллективимиз маънавий мададан руҳланиб янги мажбурият олди. Журнал редакциясига шуни қувонч билан маълум қиламизки, комбинатимиз ишчилари 1 апрелда ишлаб чиқариш беш йиллик планини бажардилар. Ижтимоий-иқтисодий ҳисобга олиб, йил охиригача яна 65 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдик.

**Камолхон ЭГАМБЕРДНЕВ,**  
КПСС XXV съезди номли Наманган абри газламалар комбинати директори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати

# НАЪМАТАК



## ИШОНСА БЎЛАДИГАН ВОҚЕА

Илм кетидан қувиб кечроқ уйландим. Ёлғиз қизим бор. Еру кўкка ишонмаймиз. Исмини Севархон қўйганмиз.

Яқинда оиламизда ғалати ҳангома бўлиб ўтди. Мен уйга одатдиган кечроқ қайтдим. Қизим мени бегоҳат кутиб ўтирган экан, хонасидан югуриб чиқди:

— Салом, дадажон, сизга янгилик топиб қўйдим,— деб қўлимдан судраб бўлмасига бошлаб кирди.

Хонада қуюқ сочи елкасига тушган, Севархон билан бир хилда олифата кийинган дугонаси ўтирган экан. Мени кўриб ўрнидан турди, ийманибгина салом берди.

— Танишинг, бу — Ромчик,— деди қизим.— Университетда бирга ўқиймиз. Жуда истеъдодли. Ёзган шеърларини ўқсангиз, замонамизнинг Навоийси дейсиз. Биз бир-биримизни севамиз. Гапнинг қисқаси, мен Ромчиккага уйланмоқчиман... Уйимизга ичкўев бўлиб тушади...

— Уйланмоқчисан? Бу нима қилик, мени калака қиляпсанми? Ахир, у дугонанг-ку!

— Дадажон, яхшилаб қаранг, дугонам эмас, Раҳимжон-ку!

— Онаси, ҳой, онаси, қаёқларда юрибсан? Бу ёққа кел, эркакнингнинг гапини эшит!— деб бақирдим ғалати аҳволга тушиб.

Хотиним ғоз юриш билан хонага кириб келди-да:

— Нима гап? Намунча ҳовлиқмасангиз, осмон узилди ерга тушибдимми?— деди. Хотинимнинг важоҳатини кўриб баттар эсанкираб қолдим. У ҳам қизим Севархондек белини сириб шим кийган, сочини қирқиб, юз-кўзига тўзитиб ташлаган эди. Пардоз-андозини айтмайсизми? Бу ҳам етмагандек лабида папирос тутаб турибди. Белини ушлаб, кўзини сузиб керилди:

— Ҳа, эржон, нега бўзрайиб қолдилар? Йўталсинлар.

— Сенга нима жин урди, онаси?— деб фиғоним фалакка кўтарилди.— Турқинга қара, бай-бай-бай... Ёшинга муносиб иш тутсанг бўлмайди? Ҳамма айб ўзингда экан-да!

— Сал оғирроқ бўлсинлар, ҳўжайин,— деди хотиним кесатиб.— Сиздан кам жойимиз йўқ, ҳуқуқимиз бир. Бўлгуси куёвингиз олдида ҳўнар кўрсатманг, ким айтади сизни ўқимишли одам деб. Қайси асрда яшаётганингизни унутиб қўйдингиз шекилли, атеист олим?!

— Қайси асрда яшаётганимни яхши биламан. Эс-ҳўшим ҳам жойида. Лекин сенга ўхшаган турқи совуқ, ёшига ярашмаган қилиқ қиладиган, қизини уйлантирмоқчи бўлган хаёл-парастлар яшамайди асримизда!

— Дадажон, аямни бежорга ранжитманг,— гапга аралашди Севархон.— Аям ҳаётга романтик кўз би-

лан қарайдиган илғор аёл эканини билмайсизми?

— «Илғор», «романтик» эмиш!.. Бу нуسخани қаердан топдиларинг, ахир? Йигит деганнинг оёғидан ўт чақнаб туриши керак. Бунақасини умримда кўрмаганман,— деб креслога ўтирдим-да, пешанамдаги тер томчиларини рўмолча билан артиб, бўлгуси куёвга зимдан қарардим.

— Дадажон, Ромчикка ундай қаттиқ тикилманг. Мен сизга айтдим-ку, биз бир-биримизни севамиз. Наҳотки гапимга тушунмаган бўлсангиз? Худди ёш болага ўхшайсиз-а! Бизнинг тўйимиз энг янгича тўй бўлади. Биз бир гуруҳ қизлар йигитларга уйланмоқчимиз. Йигитларимиз ҳам шунга рози. Уларни қизнига узатиб келишади. Сизнинг ижозатингиз билан шунақа тўйни мен бошлаб бермоқчиман. Ромчик, гапирсанг-чи, нега индамайсан, тилингни ютиб юбордингми?



Расми Н. ИБРОҲИМОВ чизган

Хўрпайган сочини эпловмай бошини қўйи солиб ўтирган бўлгуси куёв синиқ товушда:


— Мен... М-мен... ҳа, шундай. Мен ўзимни... Севархоннинг ихтиёрларига топширганман,— деди тутилиб.

— Лаънат сендай «романтиклар»га,— дедим аламимга чидолмасдан.— Йўқол, ҳамманг!..

Учаласини ҳам уйдан қувиб чиқараман деб стулга қоқилиб йиқилдим. Бошим зеворга қаттиқ тегди. Уҳ тортиб юб.рдим. Ўзимга келиб кўзимни очсам, қаровтдан қулаб тушибман.

Анвар САИДУМАРОВ

# КРОССВОРД



Энига: 3. Металл. 6. Масъулият. 7. Ҳўл мева. 10. Қуш аъзоси. 12. Яхши муносабат. 15. Машгулот. 16. Зиравор. 18. Санъаткор. 20. Етақчи восита. 21. Урта Осиёдаги қўл. 22. Оёқ кийими. 26. Қўнгилочар уйин. 29. Йигин. 30. Ҳордиқ чиқариш. 31. Дастак. 32. Ҳашарот. 33. Кашта. 36. Ижодкор. 37. Орзу. 38. Нефть маҳсулоти.

Бўйига: 1. Нон. 2. Кемирувчи ҳайвон. 4. Кузатиш. 5. Ҳасиллик. 8. Рўзгор буюми. 9. Фазо. 11. Тадқиқотчи. 13. Қимматбаҳо тош. 14. Деҳқончилик қуроли. 17. Кучли тошқин. 19. Тўсиқ. 23. Ҳиндистондаги шаҳар. 24. Ҳўжалик асбоби. 25. Суғорилмайдиган деҳқончилик. 26. Ғайри табиийлик. 27. Қуш. 28. Войлик. 34. XVIII асрдаги француз революционер. 35. Сув жонивори.

Тузувчи **Б. ЙУЛДОШЕВ**

Чирчиқ

## 7-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. Гулбеор. 4. Пўстлоқ. 9. Оймакон. 10. Посанги. 12. Шарқ. 14. Ашула. 15. Вена. 18. Ҳайкал. 19. Табель. 20. Кашнич. 21. Раҳима. 22. Байрамали. 23. Дамино. 24. Наргис. 27. Хонгул. 28. Рапида. 29. Оҳақ. 31. Спорт. 32. Яшин. 34. Ильяшин. 35. Сибзга. 38. «Уйланиш». 39. Сопрано.

Бўйига: 2. Уд. 3. Бўйра. 5. Тугун. 6. От. 7. Хонадон. 8. Комаров. 11. Муҳаммаджонов. 13. Қиличбозлик. 15. Ветеринария. 16. Рамазон. 17. Олимпиада. 25. Дарслик. 26. Маятник. 30. Қолва. 33. Илғор. 36. Ой. 37. Ян.

## ТУЗАТИШ

«Гулистон»нинг шу йил 4-сон муқовасининг тўртинчи бетиде редакция айби билан хатога йўл қўйилган. Редакция журналхонлардан «М. Поруб. Наманган олмаси» ёзувини «Ш. Мўминова. Дарахт» деб тузатиб ўқишларини сўрайди.

## МУҚОВАДА

Биринчи бет: Рассом **П. Воронкин** чизган Абу Али ибн Сино портрети.

Утмишда чор Россиясининг чекна ва қолоқ ул-наси ҳисобланган Туркистон совет даврида гу-рираб ўсди. Ҳозир Узбекистон Совет Иттифоқи-нинг қардошлик оиласида энг пешқадам респу-бликалар қаторидан ўрин олган. Улкамиз шу кунда фан ва маданиятининг юксаклиги жиҳа-тидан кўпгина тараққий этган капиталистик давлатлар билан тенглашади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино юрти — республикада медицина маорифи, илми ва хизмати ҳам гоят тараққий этган.

Айниқса, 1980 йил республикамиз ва Урта Осиё халқлари маданий ҳаётинда қутлуғ сана бўлиб, бир умр эсда қолади. Чунки буюк ватандошимиз Ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллигини Совет Иттифоқидагина эмас, балки бутун дунё та-раққийпарвар инсонияти зўр тантана билан ни-шонлайди. Урта Осиё медицинаси тараққиёти, қо-лаверса, бутун Шарқ тиббиёти равнақи қомусий аллома Ибн Синонинг қутлуғ номи билан боғлиқ. Фотомухбиримиз А. Жданов туширган суратлар ана шу ҳақда ҳикоя қилади.

Тошкент Давлат медицина институтида минглаб маҳаллий ва кўп миллатли Ватанимизнинг қар-дош халқлари вакиллари қаторида кўпгина ажна-бий мамлакатларнинг студентлари ҳам таълим оладилар. Улар Уйғониш даврининг буюк сий-моси Ибн Сино юртида сабоқ олаётганларидан фахрланадилар. Институтининг патологик анато-мия кафедраси мудири, профессор М. Абдуллахў-жаевага 1-даволаш факультетининг чет эллик III курс студентлари (чапдан ўнгга) Бангаш Камрон ва Хушнуд Али (Покистон), Шамлан Аҳмад Али (Яман), Муртазо Усмон Солиҳ (Судан) патологик анатомия фанидан имтиҳон топширмақдалар.

Бундан минг йил бурун Ибн Сино келажакнинг гули — болаларнинг маънавий-жисмоний тарбияси

ҳақидагина қайғуриб қолмай, балки уларнинг са-ломатлигини сақлаш йўлида ҳам жилд-жилд тиб-бий китоблар ёзган эди. Буюк алломанинг умид-лари бизнинг замонамизда тўла рўёбга чиқди. Бугунги болалик бахтиёр болалиқдир. Республи-камиздаги улкан медицина олий ўқув юртилардан бири Урта Осиё Медицина педиатрия институти болалар касалликлари бўйича мингларча етук мутахассисларни етназиб бераётгани болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир тим-солидир.

Институт педиатрия кафедраси мудири, медици-на фанлари доктори, профессор С. Йўлдошева бўлажак врачларга мазмунли лекция ўқимоқда. Медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзо-си, профессор С. Шамсиев (чапдан), болалар ка-салликлари пропедевтикаси кафедраси мудири, медицина фанлари доктори, профессор Ф. Назар-муҳамедов, фармакология кафедраси мудири, ме-дицина фанлари доктори, профессор С. Азизова, 1-педиатрия факультети декани, доцент А. Абду-зимов, институт ректори, юқумли касалликлар кафедраси мудири, медицина фанлари доктори, профессор В. Мажидов, институт проректори, опе-ратив хирургия кафедраси мудири, профессор С. Долимов, илмий коммунизм кафедраси мудири, доцент Б. Мирабдуллаев студентлар билимини амалий машгулотлар билан мустаҳкамлашнинг янги тадбирлари борасида муҳоама юритмоқ-далар.

Улка медицина илмий-текшириш институти ди-ректори ўринбосари, медицина фанлари доктори Амин Обидов (биринчи қатор, чапдан), модда ал-машинуви касалликлари ва ҳазм қилиш органла-ри назарияси лабораторияси мудири, медицина фанлари доктори Н. Раҳимов, тиреонидит патало-гияси лабораторияси мудири, доцент Ш. Илёсов

(иккинчи қатор, чапдан), тиреонидит паталогияси бўлимининг кичик илмий ходими Л. Нуъманова, модда алмашинуви регуляцияси лабораторияси мудири, медицина фанлари кандидати Т. Ғуломов, реанимация бўлимининг ординатор-врачи С. Га-доева, модда алмашинуви регуляцияси лаборато-риясининг кичик илмий ходими Ҳ. Аъзамов, гастроэнтерология клиникаси мудири Э. Юсупова ҳар бир беморга қўлланилаётган муолажа тадбир-ларининг индивидуал таъсирини пухта ўрганади-лар ва замонавий медицина ютуқларига суяниш билан бирга Шарқнинг бой тиббий меросига ҳам тез-тез муурожаат қилиб турадилар.

СССР Соғлиқни Сақлаш Министрлигининг Бутун-иттифоқ Клиник ва экспериментал хирургияси илмий-текшириш институти Тошкент филиали республикамиздаги илмий-амалий медицина муас-сасаларининг энг кенжасидир. Бу ерда етук олимлар, малакали шифокорлар беморларга энг сўнгги медицина ютуқларини, синовдан ўтган ишончли муолажа усулларини қўллайдилар. Қил-ни қирқ ёрадиган ана шу заҳматкаш шифокор-ларни чиндан ҳам Ибн Синога муносиб ворислар, деса арзийди.

Филиалнинг экспериментал бўлимида юрак хас-талигига учраган беморни мураккаб операция қи-лиш пайти. Кичик илмий ходим О. Роттердамс-кая (чапдан), бўлим раҳбари, медицина фанлари доктори О. Қосимов, катта инженер Г. Камолова (этран ёнида), кичик илмий ходим В. Бобохонова олдинги қаторда, ўртада).

Юрак-қон томирлари ва нафас олиш органлари-ни функционал тадқиқ қилиш бўлимида врач Э. Ягелло (ўртада) ва лаборант И. Расулова бе-морнинг юрак уришини назорат қилмоқдалар.

А. ЖДАНОВ фотолари

Бош редактор Асқад МУХТОР

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» («Цветущий сад») — ежемесячный общественно-политический литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана на узбекском языке).

Техредактор А. САИДУМАРОВ

Корректор Н. ЙУЛДОШЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент—II, Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Восмаҳонага туширилди 23.06.80 й. Босишга рухсат этилди 25.07.80 й. Р — 03094. Қогоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Вотиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6.

Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 268090. Буюртма 3534. Нашр А — 102.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси, 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.




1



2




3



5




4



6

# ИБН СИНО СИЙМОСИ АМАЛИЙ САЊЪАТ АСАРЛАРИДА



Автори Н. ЛОГИНОВА.




Бухородаги Октябрь 40 йиллиги номли Зардўзлик фабрикасининг коллективи яратган.




Автори В. МАХОРТОВ.



Автори Н. АБДИЖАЛИЛОВ.



Авторлари Н. ЛОГИНОВА,  
У. ФАЙЗУЛЛАЕВ, У. ТУЛАГАНОВ.



Автори Т. СЕРДЮК.

Баҳоси 30 тийин

Индекс 75233

Автори Г. СЕРДЮК.



Автори А. ЖУРАБОЕВ.

